

Ишниязов Бахром Нормаматович

Мустақил изланувчи

“Иқтисодиёт, бошқарув, солиқлар ва сугурта” кафедраси

Тошкент молия институти

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИ

Аннотация: Мақолада мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғини молиялаштириш, ривожлантириш ва илмий-тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга эришиш ҳақида гап борган.

Калит сўзлар. Молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги, илмий тадқиқот, илмий ишланмалар, инновацион жараён, инновацион фаолият, инновацион тадқиқотлар, рағбатлантириш, ривожланиш, такомиллаштириш.

Ishniyazov Bakhrom Normamatovich

Independent researcher

Department of Economics, Management, Taxes and Insurance

Tashkent Financial Institute

INNOVATIVE METHODS OF FINANCING THE AGRICULTURAL SECTOR

Annotation: The article discusses the modernization of agriculture through the financing, development and implementation of research results in the agricultural sector of the country.

Keywords. Financing, agriculture, scientific research, scientific developments, innovative process, innovative activity, innovative research, promotion, development, improvement.

Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва модернизациялашга имкон яратувчи шарт-шароитлар ичида тармоқни давлат томонидан тартибга солиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллабқувватлашга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу мақсадларга йирик маблағлар сарфланмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасида давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини имтиёзли кредитлаш, техника воситаларини имтиёзли лизинг асосида етказиб бериш, унумдорлиги паст ерларда пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликларига давлат бюджетидан молиявий кўмак ажратиш, ирригация тизимларини сақлаш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини давлат бюджетидан бевосита молиялаштириш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор тамойилларига мос келувчи иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган масалалар мавжуд бўлиб, бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илғор хорижий давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ошириш ва уларнинг нархлари барқарорлигини сақлаш, пахта хомашёси етиштиришни молиялаштириш тизимида бозор механизмларини жорий этиш каби бир қатор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилган.

Бугунги кунда олиб борилаётган илмийтадқиқотлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан боғланган ҳолос. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан сўнгги жараёнлардаги техника ва технологияларни такомиллаштириш масалалари бўйича илмийтадқиқотларни молиялаштиришга кам эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан 2021 йил 3 февралдаги “2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва

инновациялар тизимини устувор ривожлантириш Концепцияси” ПФ-6159-сонли фармони қабул қилинди[1].

Мазкур Концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигида таълим, илм-фан, инновацион фаолият ва ишлаб чиқаришнинг интеграциясини янада чуқурлаштириш, янги билимларни яратиш ва қўллаш, ресурс тежайдиган инновацион технологиялар, илғор хорижий ва маҳаллий фан ютуқларини жорий этиш, замонавий билим ва малакага эга мутахассисларни тайёрлаш ҳамда агрохизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади: меҳнат бозори конъюнктураси ўзгаришига мос ҳолда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган аграр таълим тизимини такомиллаштириш; агросаноат мажмуидаги илмий муассасаларнинг илмий ва инновацион фаолиятини янада ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалиги тармоғи илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ва аграр фанини молиялаштиришда ҳудудлар (вилоятлар) субъектлари (илмий маҳсулот истеъмолчилари) етарли даражада иштирок этмайди. Ушбу муаммо илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни узвий эмаслигидир. Шунинг учун, аграр соҳадаги илмий муассасаларни молиялаштириш келажакда илмий тадқиқотларни асосий молиялаштириш йўналиши бўлиб қолиши, тадқиқот ишларига банкдан кредит олиб ишлаши, илмий ишланмаларни ўз вақтида амалиётга жорий этиши ва илмий маҳсулотни эркин сотиш мумкин.

Мамлакат аграр соҳани барқарор ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи олдида турган вазифаларни тўлароқ бажариш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, инновацион тадқиқотларни молиялаштириш механизминини такомиллаштириш, инновацион илмий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, соҳада инновацион ривожланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш тизими яққол намоён бўлмоқда. Тадқиқотлар натижасида мавзусига асосланган илмий

таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот жараёнида илмий билиш ва иқтисодий таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ва бундан кейинги ривожланиши соҳани инновацион жараёнга ўтказиш, муаммолар ечими инновацион лойиҳалар асосида олиб борилишига боғлиқ. Яна бир муҳим муаммолардан бири - банк кредитларининг йиллик фоизлари ва кредитни қайтариш муддати ҳисобланади. Бундан ташқари инновацион лойиҳаларда тижорат банкларининг ўзларини ҳам бевосита иштирок этишларини рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бундай ҳолатда банк кредит фоизларидан ташқари, сотилган маҳсулотдан тушадиган тушумнинг бир қисмига ҳам шерик бўлиши мумкин. Шунини ҳисобга олиб қишлоқ хўжалигини юритишнинг илмий асосланган янги йўналишини ишлаб чиқиш ва шу асосда тармоқда инновацион лойиҳаларни амалга оширишга фермер ва деҳқон хўжаликларини жалб қилиш орқали олиб борилиши лозим.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришда «имтиёзли кредитлаш» ўрнига «фьючерс битимлари»дан фойдаланиш бўйича тавсиялари «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури»нинг 119-бандини шакллантиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги ММ-3-2/20-34-сонли маълумотномаси). Бу пахта хомашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришда бозор механизмларини жорий этиш ва фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини яратди.

Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантириш учун биринчи навбатда давлат харажатларини ошириш ва бюджет-солиқ сиёсатининг мультипликатив самарасидан (фискал экспансиядан) максимал фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тармоқни бюджетдан бевосита молиялаштиришга давлат харажатларининг оширилиши, унумдорлиги паст

ерларда маҳсулот ишлаб чиқаришни бюджетдан субсидиялаш ва бюджет орқали қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг ўсиши ва тармоқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 3 февралдаги “2021-2025 йилларда қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини устувор ривожлантириш Концепцияси” ПФ-6159-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2021 йил 4 февраль.

2. Babadjanov A. (2021) Future Priority Directions of Research in the Agrarian Sphere and Improvement of their Financing System. American Journal of Economics and Business Management. The USA Journal, USA. ISSN 2576-5973. Volume: 4, Issue: 10, – Pp. 15- 26.

3. И.М.Каверина, Кареба М.И. Система кредитования фермерских хозяйств США и Украины: вымысел или реальность//«Студенческий научный Вестник» Николаевского государственного аграрного университета. - Николаев, 2010. Выпуск 2 (3). Часть 1